

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАБАЕВА ШАИРА ХАЛИЛЛАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ-
ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Джумабаева Шаира Халиллаевна

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий-демографик ривожланишининг
асосий йўналишлари.....3

Джумабаева Шаира Халиллаевна

Основные направления экономико-демографического развития Республики
Каракалпакстан.....27

Джумабаева Шаира Халиллаевна

Main directions of economic and demographic development of the republic of
karakalpakistan51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАБАЕВА ШАИРА ХАЛИЛЛАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ-
ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt043 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахмонов Норим Раззакович
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Рузметов Бахтияр
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Маденова Эльмира Нзаматдиновна
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (998-62) 224-67-00; факс: (998-62)224-57-00; e-mail: info@urdu.uz.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (998-62)224-67-00; факс: (998-62)224-57-00; e-mail: arm@urdu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

И.С.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор.

Т.Ж.Рахимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, PhD.

Б.Рузметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий-демографик жараёнлари аҳолининг ёш таркибида катта ёшдагилар сони ва улушининг юқорилиги билан боғлиқ бўлган бўлса, ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида мазкур муаммо болалар ва ўсмирлар сони ва салмоғининг кўпайиши билан алоқадордир. “1990 йилларнинг ўртасида жаҳон бойлигининг 64% - инсон капиталига, 15% - табиий ресурсларга ва 21% - табиий капиталга тўғри келган”¹. Бугунги кунда Хитой, Германия ва Буюк Британия каби мамлакатларда инсон ресурслари улушига миллий бойликнинг 75-80% тўғри келмоқда. Дунёда янги ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг шаклланиши иқтисодий-демографик ривожланиш билан боғлиқ чуқур назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланди.

Жаҳонда аҳоли ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлигини, аҳоли такрор барпо бўлишининг иқтисодий оқибатларини, демографик ривожланишга иқтисодий омилларнинг таъсирини ўрганиш жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб бу йўналишда кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, халқаро амалиётда иқтисодий-демографик муаммоларни бартараф қилиш бўйича ягона тизим йўқлиги ва иқтисодиётда ишсизлик, миграция масалаларини оптимал тартибга солиш усулларининг назарий-услубий жиҳатларини илмий тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Янги Ўзбекистонда иқтисодий-демографик ривожланишни ҳар томонлама барқарорлаштириш, миллий ва самарали демографик сиёсатни амалга ошириш ҳамда иқтисодий фаол аҳолини иш билан таъминлашда вужудга келаётган муаммоларни аниқлаш кўплаб ижтимоий, иқтисодий ва демографик масалаларнинг ҳал этилишига ёрдам беради. Қорақалпоғистон Республикаси ҳам баъзи иқтисодий-демографик муаммоларнинг мураккаблиги билан ажралиб туради. Хусусан, гўдақлар, болалар ва оналар ўлимининг ҳанузгача нисбатан катта кўрсаткичга эгаллиги, аҳолининг ўртача умр кўриш даврини қисқалиги ва ишсизлик даражасининг юқорилиги ва бошқаларни айтиш мумкин. Шу боис, минтақанинг иқтисодий-демографик ривожланишини ҳамда муаммоларини ўрганиш ва уларни илмий асосда ҳал қилиш бўйича тегишли илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев охириги йилларда жаҳонда содир бўлаётган коронавирус пандемиясининг иқтисодиёт ва инсонлар ҳаётига салбий таъсири ва уни Ўзбекистон шароитида бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган энг устувор вазифалар “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишдан иборат” деб таъкидлади². Шу нуқтаи назардан “инсон капиталини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолини

¹ World Bank. *Monitoring Environmental Progress*. - Washington: World Bank, 1995.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. 28.01.2022 йил.

ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш”га алоҳида эътибор қаратилган³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сон “2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий-демография ривожланишининг назарий жиҳатлари ва илмий йўналишлари ҳорижий мамлакатлар олимларининг илмий ишларида кенг ёритилган. Хусусан, аҳоли ўсиши ва сифати иқтисодиёти ҳамда ижтимоий-демографик таркиблар иқтисодиёти масалалари Th.W.Schultz, W.Farr, J.Simon, S.Kuznets, J.J. Spengler, Э.Хансен, Дж.М.Кейнс⁴ ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Бу йўналишда МДХ давлатларининг қатор олимлари, жумладан, А.А.Саградов, А.В.Акимов, Б.Ц.Урланис, П.П.Звидриньш, Д.И.Валентей, А.Г.Вишневский, М.Б.Денисенко, В.А.Ионцев, М.А.Клупт, О.В.Печура, А.Я.Кваша⁵ ва бошқалар, минтақавий иқтисодиёт масалалари бўйича эса А.Г.Гранберг, Т.Г.Морозова, Н.Н.Михеева, И.А.Родионова⁶ ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. 28.01.2022 йил.

⁴ Th.W.Schultz. The Economic Value of Education. - New York: Columbia University Press. 1963, Economics of Population. - Reading (Massachusetts): Addison- Wesley Publishing Company, 1981, Investing in People. The Economics of Population Quality. - Berkeley: University of California Press, 1981; W. Farr. On the Economic Value of the Population //Population and Development Review, 2001; J.J. Spengler. Population Change, Modernization and Welfare.- Englewood Cliffs: Prentice-Hall, 1974; J.L. Simon. The Economics of Population Growth. - Princeton: Princeton University Press, 1977, Simon J. L., and Steinmann G. Phelps’s Technical Progress Model Generalized // Economic Letters, 1980; S. Kuznets. Population Change and Aggregate Output, Demographic and Economic Change in Developed Countries. - Princeton: Princeton University Press, 1960; J.J. Spengler. Population Change, Modernization and Welfare.- Englewood Cliffs: Prentice-Hall, 1974; Э.Хансен. Экономические циклы и национальный доход. В кн.: Классики кейнсианства. М., Экономика, 1997; Дж.М. Кейнс. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное.М., Эксмо, 2007.

⁵ А.А.Саградов.. Экономическая демография: Учеб. пособие. Москва, 2005; А.В. Акимов. Экономико-демографическая модель для глобального демографического прогнозирования М., Мысль, 1986; Б.Ц. Урланис. Проблемы экономической демографии. Проблемы демографии. Вопросы теории и практики. М., «Статистика», 1971; П. П. Звидриньш. Население и экономика. М.: «Мысль», 1987; Д.И. Валентей. Демография. - М., Высшая школа, 1997; А. Г. Вишневский. Воспроизводство населения и общество: История, современность, взгляд в будущее. М., Финансы и статистика. 1982; . М.Б. Денисенко., А.А, Саградов. Сравнительная ценность различных форм человеческого капитала в России. М., 2000; В, А, Ионцев. Введение в демографию. М., 2002; М.А. Клупт. Экономическое измерение демографической динамики. Л., 1990; О.В. Печура. Диагностика экономико-демографической ситуации в регионе. Свердловск, 1999; А.Я. Кваша. Демографическое и экономическое развитие России. Вестник МГУ.- Серия 6: Экономика. 1995.- № 5.- С.75-80.

⁶ А.Г.Гранберг. Основы региональной экономики: Учебник для вузов.-М., 2000; Т.Г. Морозова. Региональная экономика.- М., 2000; Н.Н.Михеева. Региональная экономика и управление. Хабаровск,2000; И.А. Родионова. Региональная экономика. - М.:Экзамен, 2003.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, улар иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш ҳамда демографик салоҳиятининг илмий ва услубий жиҳатлари Р.Убайдуллаева, М.Абдусалямов, А.М.Қодиров, Л.П.Максакова, Қ.Абиркулов, Т.М.Аҳмедов, А.М.Содиқов, А.А.Қаюмов, Б.Рузметов, А.С.Солиев, Ф.Т.Эгамбердиев, О.Б.Ата-Мирзаев, М.Бўриева⁷ ва республикамизнинг бошқа олимлари илмий ишларида кенг ёритилган.

Бевосита Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий, иқтисодий-географик ва демографик ривожланиши муаммолари М.Бектурдиев, Б.Казбеков, Г.Б.Утепова, Е.К.Умаров, Р.И.Нурибетов, Н.Ж.Ембергенов, К.К.Бектемиров, Г.А.Ходжаева⁸ ва бошқаларнинг олиб борган илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Мазкур диссертация экологик инқироз худудида жойлашган Қорақалпоғистон Республикасида демографик омилнинг иқтисодий ривожланишга ва иқтисодий ривожланишнинг демографик омилга бўлган ўзаро таъсирининг тадқиқ этилиши билан бошқа ишлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФЗ-20171023104 “Мамлакат рақобатбардошлигини ошириш асосида иқтисодий инқирозга қарши дастурларнинг самарадорлигини ошириш йўллари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий-демографик ривожланишининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодий-демографиянинг шаклланишига оид илмий-назарий ёндашувларни таҳлил қилиш ва уларни умумлаштириш;

инсон капиталини иқтисодий-демографик ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида тавсифлаш;

аҳолининг такрор барпо бўлишига иқтисодий ҳамда демографик омилларнинг таъсирини ўрганиш, социологик сўровнома ўтказиш ва аҳоли сонининг ўзгариши прогнозини тайёрлаш;

⁷ Р.Убайдуллаева “Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги”. Т., 2006; М.Абдусалямов “Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов”.

⁸ М.Бектурдиев “Использование природно-ресурсного потенциала и особенности устойчивого развития Республики Каракалпакстан”. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. геогр. наук. – Т., 2000; Б.Казбеков “Социально-экономическое развитие Нижнеамударьинского районов в условиях перехода к рыночным отношениям”. Автореф. дис. канд. экон.наук.-Т.:2000.; Г.Б.Утепова “Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ жойларининг демографик ривожланиши ва меҳнат ресурслари муаммолари”. Г.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2002; Е.К.Умаров “Проблемы совершенствования территориальной структуры производительных сил Республики Каракалпакстан”. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. док. геогр. наук. – Т., 2003; Р.И.Нурибетов “Бозор шароитида иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий иқтисодий механизми (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)”. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2009; Н.Ж.Ембергенов “Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ўсиши ва жойланишидаги ўзгаришлар”. г.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2011; К.К.Бектемиров “Обеспечение развития региона в условиях экологической напряжённости (на примере Республики Каракалпакстан)”. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. геогр. наук. – Т., 1995; Г.А.Ходжаева “Демографическая ситуация и регулирование развития населения Каракалпакстана”. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. геогр. наук. – Т., 1998.

минтақада саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, ихтисослашуви ҳамда унинг ҳудудий таркибига оид муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

минтақа аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ва улар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;

минтақанинг иқтисодий-демографик ривожланишига миграцион ҳаракатнинг таъсирини ёритиб бериш;

минтақада меҳнат ресурслари шаклланишининг иқтисодий-демографик жиҳатларини тадқиқ этиш, эконометрик моделлардан фойдаланиб банд аҳоли сони билан ЯХМ ҳажми ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

минтақа ҳудудини иқтисодий-демографик районларга ажратиш ҳамда иқтисодий-демографик ривожланишнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистоннинг иқтисодиёти ва демографик салоҳияти, уларнинг ҳудудий таркиби белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Қорақалпоғистоннинг иқтисодий-демографик ривожланиши жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, статистик гуруҳлаш, тизимли таҳлил, тарихий ва қиёсий таққослаш, ҳариталаш, индекс ва социологик тадқиқот ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Қораўзак, Хўжайли ва Қўнғирот туманларида робототехника (robotics), сунъий интеллект (artificial intelligence) ва автоматлаштириш (automation) асосида иқтисодиёт тармоқларида бандликни таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Нукус шаҳри, Тўрткўл, Амударё ва Бегovat туманларида аҳолининг ёш ўзгаришлари омилининг иқтисодий ўсишга таъсирини ўртача сирпанувчи (moving average) усул ёрдамида иқтисодий ўсишнинг демографик ўзгаришларга тескари боғлиқлигини аниқлаш таклифи асосланган;

Қорақалпоғистон Республикаси урбанизация даражаси паст Эллиққалъа (12%), Нукус (20%) Қонликўл (25%) туманларда урбанизациялашган туманларга нисбатан тафовутларни АКТдан фойдаланиш даражаси, коммунал хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш орқали бартараф қилиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий-демографик ривожлантириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли сонини 2031 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари эконометрик моделлар асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

минтақанинг иқтисодий-демографик ривожланишини ҳар томонлама барқарорлаштириш дастурларини тузиш ҳамда миллий ва самарали демографик сиёсатни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

минтақа аҳолиси сонининг 2022-2031 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ҳамда ЯХМ ҳажми билан банд аҳоли сони ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

аҳолининг такрор барпо бўлишига таъсир этувчи омилларни баҳолашнинг услубий ёндашуви такомиллаштирилган ҳамда минтақанинг иқтисодий ва демографик салоҳиятини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

минтақада саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, ихтисослашуви ҳамда уларнинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари, нутқлари, Давлат статистика қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари, шунингдек муаллифнинг Қорақалпоғистон Республикасида ўтказган социологик тадқиқот натижаларининг асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларининг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минтақаларнинг иқтисодий-демографик ривожланиш йўналишларини мажмуали иқтисодий ҳамда демографик усуллар ёрдамида тадқиқ этишда, илмий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, аввало, олинган асосий хулоса ва тавсиялардан Қорақалпоғистон Республикасида миллий демографик сиёсат йўналишларини белгилашга, иқтисодиёт тармоқларини ихтисослаштириш, ривожлантириш стратегияси ҳамда дастурларини ишлаб чиқишга, шунингдек, олий таълим тизимига тегишли йўналишларда ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий-демографик ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаш ва муаммоларни ҳал этиш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Қораўзак, Хўжайли, ва Қўнғирот туманларида робототехника (robotics), сунъий интеллект (artificial intelligence) ҳамда автоматлаштириш (automation) асосида иқтисодиёт тармоқларида бандликни таъминлаш бўйича таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 13 июлдаги 01-05/1644-сон “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 21 июлдаги 02/858-сон маълумотномаси). Мазкур натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши аҳолини меҳнатга рағбатини ошириш, ёшлар ва аёллар ўртасида юқори ишсизликни бартараф қилиш, аҳолининг иқтисодий жихатдан фаол бўлган қисми бандлигини ошириш имконини беради.

Нукус шаҳри, Тўрткўл, Амударё ва Бөрүний туманларида аҳолининг ёш ўзгаришлари омилининг иқтисодий ўсишга таъсирини ўртача сирпанувчи (moving average) усул ёрдамида иқтисодий ўсишнинг демографик ўзгаришларга тескари боғлиқлигини аниқлаш бўйича таклиф Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 13 июлдаги 01-05/1644-сон “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарорни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 21 июлдаги 02/858-сон маълумотномаси). Мазкур натижаларнинг амалиётга жорий килиниши минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси ҳамда тармоқлар, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш стратегиялари, аҳоли ёш гуруҳларини иқтисодий ўсишга таъсир даражаларини аниқлаш имконини бериш билан бирга инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қорақалпоғистон Республикаси урбанизация даражаси паст Эллиққалъа (12%), Нукус (20%), Қонликўл (25%) туманларда урбанизациялашган туманларга нисбатан тафовутларни умумий тасодифий сонлар (common random numbers) ёрдамида АКТдан фойдаланиш даражаси, коммунал хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш орқали камайтириш бўйича таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 13 июлдаги 01-05/1644 сон “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарорни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 21 июлдаги 02/858-сон маълумотномаси). Бу эса ўз навбатида, минтақа аҳолиси ва меҳнат ресурслари сонининг динамик ўсиши, жойлашуви инобатга олинган ҳолда туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда урбанизациялашув даражасини ошириш йўналишларини аниқлаш имконини берган;

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий-демографик ривожлантириш имкониятлари ҳисобга олган ҳолда аҳоли сонини 2031 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларининг эконометрик моделлари бўйича таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 13 июлдаги 01-05/1644-сон “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарорни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 21 июлдаги 02/858-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз натижаларидан Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий демографик ривожлантириш, аҳолининг меҳнатда бандлиги ижтимоий-иқтисодий моҳиятини чуқур таҳлили қилиш, бандлик касбий маҳоратини оширишга қаратилган дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари бўйича 10 та мақола ва 16 та илмий тезислар чоп этирилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Иқтисодий-демографиянинг илмий-назарий ва методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида иқтисодий-демографиянинг назарий-услубий асослари ҳамда инсон капитали иқтисодий-демографик ривожланишнинг асосий омили сифатида ўрганилган. Шунингдек, минтақанинг ижтимоий-демографик ривожланиш ҳолати социологик тадқиқот усулидан фойдаланган ҳолда ўрганилиб таҳлил этилган.

Бугунги пандемия ва иқтисодий инқироз шароитида қатор глобал муаммолар яна ҳам кўпроқ мураккаблашиб, чуқурлашиб бормоқда. Бундай глобал муаммолар ичида иқтисодий-демографик муаммолар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу муаммолар бевосита аҳолининг табиий такрор барпо этилиши, унинг миграцияси ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш жараёнлари билан боғлиқ.

Илмий адабиётларда иқтисодий демография - аҳоли ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлигини, аҳоли такрор барпо бўлишининг иқтисодий оқибатларини, демографик ривожланишга иқтисодий омилларнинг таъсирини ўрганади⁹ деб таъриф берилган. 1970-йилларнинг иккинчи ярмида иқтисодий-демографик тадқиқотларда объектни бир мунча кенгайтиришга йўналтирилган тенденция шакллана бошлади. Иқтисодий-демографиянинг бугунги таркиби демографик омил таъсири хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уч асосий бўлимдан - аҳоли ўсиши иқтисодиёти, аҳоли сифати иқтисодиёти ҳамда ижтимоий-демографик таркиблар иқтисодиётдан иборат.

Аҳоли ўсиши иқтисодиёти илмий адабиётга 1977 йилда Ж.Саймон томонидан киритилган¹⁰. Аҳоли ўсиши иқтисодиёти иқтисодий демографияда XX аср ва XXI аср бўсағасини ўз ичига олувчи даврда энг чуқур ва ҳар томонлама ўрганилган йўналишдир. Ушбу йўналишнинг мақсади аҳоли (меҳнат

⁹ Саградов А.А. Экономическая демография: Учеб. пособие. – Москва, 2005. - С.7.

¹⁰ Simon J. L., and Steinmann G. Phelps's Technical Progress Model Generalized // Economic Letters, 1980, p. 177.

ресурслари, ишчи кучи) сонининг ўсиши ва уни шакллантирувчи (туғилиш, ўлим)ларни ялпи ички маҳсулот, меҳнат унумдорлиги, жамғармалар ҳажми ва шу каби макроиктисодий кўрсаткичлар динамикасига қандай таъсир кўрсатишини аниқлашдан иборат.

Аҳоли сифати иқтисодиёти тушунчаси илмий адабиётга Т.У.Шульц томонидан киритилган бўлиб, у XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган¹¹. Аҳолининг сифат кўрсаткичларига қуйидагилар киради: аҳолининг саломатлик ва маълумотлилиқ даражаси; малака даражаси ҳамда касбий маҳорати; тадбиркорликка бўлган қобилияти; ҳаётий тажриба ва кўникмаси; дунёқарashi ва онги; одоб-ахлоқ ва хулқ-атвор; маънавий етуклик¹². Аҳоли сифати иқтисодиётининг дастлабки бўлимларидан бири аҳоли айрим сифат таснифлари таъсирининг ҳамда аҳоли сифатининг жами жон бошига ҳисоблаган ялпи ички маҳсулот катталиги ва ўзгариш суръатларига бўлган таъсирининг таҳлиliga бағишланган. Бошқа бўлинмаларни турли сифат хусусиятлари (инсон капитали шакллари) индивид (шахс)нинг жорий даромадлари катталигига таъсирини баҳолаш ташкил этади.

Ижтимоий-демографик таркиблар иқтисодиёти аҳоли ёши ва бошқа ижтимоий-демографик таркиблар ўзгаришининг иқтисодий оқибатлари XIX асрда яшаб ижод қилган У.Фарра ишларига бориб тақалади¹³. 1970-1980 йиллардаги тадқиқотлар ичида замонавий иқтисодий-демографиянинг ривожланишини белгилаб берганлар орасида Ж.Сленглер ва Ж.Саймоннинг ишлари алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, Ж.Саймоннинг иқтисодий демографик ва инсон ресурслари тўғрисидаги қатор монографияларни айтиш мумкин¹⁴. Ж.Сленглер иқтисодий-демографик таҳлил истиқболларини белгилаб берган. У аҳоли ўсишининг 0 га тенг бўлиши унинг сифатини кўп жиҳатда кўтарилишига олиб келади деб, фараз қилган. Инсон ҳаёти қийматининг ортиши сабабларини ўрганиш жараёнида У.Фарр таълим (саводхонлик даражасини кўтариш) ва соғлиқни мустаҳкамлаш (кутилган умр давомийлигини ошириш)нинг ролини алоҳида таъкидлаган.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда инсон капитали ва салоҳиятининг шаклланиши ва ривожланиши асосий ўринга чиқди. XX асрнинг дастлабки даврида инсон омилининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва миллий бойликни яратишдаги роли борган сари аниқ бўлиб борди. Жаҳон банки дунёнинг 192 мамлакатидан олган маълумотлари асосида амалга оширган баҳосига кўра, 1990 йилларнинг ўртасида жаҳон бойлигининг 64% - инсон капиталига, 15% - табиий ресурсларга ва 21% - табиий капиталга тўғри келишини аниқлади¹⁵. Бундан 100 йилча олдинги даврда ушбу нисбат тамомила тескари бўлган. XX аср охирида Ҳитой, Германия ва Буюк Британия каби мамлакатларда инсон ресурслари улушига миллий бойликнинг 75-80% тўғри келган.

Айнан инсон омили ҳар қандай мамлакат иқтисодий тараққиётининг юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлайди, унинг иқтисодиётини

¹¹ Schultz Th.W. Economics of Population. - Reading (Massachusetts): Addison- Wesley Publishing Company, 1981.

¹² Урланис Б.Ц. Проблемы экономической демографии. //Проблемы демографии. Вопросы теории и практики. /Под ред. Д.Л.Бронера, И.Г.Венецкого. – Москва: Статистика, 1971.

¹³ Farr W. On the Economic Value of the Population //Population and Development Review, 2001 [1877], 27(3), p. 565-571.

¹⁴ Simon J. L., and Steinmann G. Phelps's Technical Progress Model Generalized // Economic Letters, 1980, p. 177-182.

¹⁵ World Bank. *Monitoring Environmental Progress*. - Washington: World Bank, 1995.

табiiй ресурсларни экспорт қилишдан юқори технологик маҳсулотлар экспорт қилишга қайта йўналтиради. Инсон омили кўп жиҳатдан универсал хусусиятга эга. Ушбу жиҳатлар ичида инсон омилини барқарор тараққиётини белгилаб берувчи демографик омил муҳим ўрин эгаллайди. Демографик муаммонинг ҳам ўз навбатида кўп жиҳатли эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг асосий элементларидан бири бўлиб, аҳоли такрор барпо бўлишининг миқдорий кўрсаткичларга эга эканлиги ҳисобланади. Аҳолининг такрор барпо бўлиши - аҳолининг миқдори ва таркибини доимо табiiй тарзда янги авлодлар томонидан кекса авлодлар ўрни тўлдириши орқали янгиланишидир¹⁶. Аҳоли такрор барпо бўлишининг уч (торайган, оддий ва кенгайган) турлари мавжуд бўлиб, Қорақалпоғистон аҳоли такрор барпо бўлишининг кенгайган турига тўғри келади, яъни аҳолининг мутлақ сони ўсиб бормоқда.

Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-демографик ҳолатига оид масалаларнинг туб моҳиятини чуқурроқ ўрганиш мақсадида 2020 йил ҳудудда социологик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотда берилган саволлар мажмуаси минтақанинг ижтимоий-демографик ривожланишини ҳар томонлама барқарорлаштиришга, миллий ва самарали демографик сиёсатни амалга оширишга ҳамда иқтисодий фаол аҳолини иш билан таъминлашда вужудга келаётган муаммоларни аниқлашга ва уни бартараф этишга қаратилган. Бу эса кўплаб ижтимоий, иқтисодий ва демографик масалалар ечимининг ҳал этилишига ёрдам беради.

Социологик тадқиқот Қорақалпоғистон Республикаси ОТМда онлайн тарзида ўтказилди. Унда 1300 респондент қатнашди. Иштирокчиларнинг 90,2%ни талаба-қизлар, 9,8%ни олийгоҳларнинг ўқитувчилари ва ёрдамчи ходимлари ташкил этди. Респондентларнинг 100% хотин-қизлар бўлиб уларнинг 53,9%ни қорақалпоқлар, 31,1%ни ўзбеклар, 12,8%ни қозоқлар, 1,8%ни туркманлар ва қолган 0,4%ни бошқа миллат вакиллари ташкил этди. Респондентларнинг 95,6%и 18-29 ёш гуруҳидаги хотин-қизлар бўлиб, бу ҳол минтақанинг ижтимоий-демографик ҳолатини ўрганиш учун жуда мақбулдир. Респондентларнинг асосий қисмини (90,2%) тугалланмаган олий, 7,8%ни олий ва 2%ни ўрта махсус маълумотлилар ташкил этди.

Минтақанинг келажакдаги демографик ривожланишини аниқлаш мақсадида респондентларга “Оилада нечта бола бўлгани маъқул” деган савол билан мувожаз этдик. Ушбу саволга респондентларнинг 10,9% иккита болани, ярмидан ортиғи (55,5%) учта болани, 18% - тўртта болани, 5,6% эса 5 ва ундан ортиқ болани маъқул деб ўз фикрларини билдирдилар. Оилада бир болани маъқул кўрувчилар бўлмади. Ҳар бир респондентга ўртача - 3,2 та бола тўғри келди. Агар аёлларнинг фикрига кўра туғилиш кўрсаткичи шу даражада сақланиб қолса, минтақа аҳолиси сони келажакда ҳам ўсиб боради. Шунингдек, тадқиқот жараёнида биз респондентларнинг яшаб турган ҳудудидан кўчишга бўлган муносабатини ва бошқа бир қатор ижтимоий, иқтисодий ва демографик саволларга жавобларини олдик ва уларни ўргандик.


Хулоса қилиб айтганда, минтақанинг ижтимоий-демографик ривожланишига иқтисодий омил ўз таъсирини ўтказмоқда ва унинг демографик фаолияти шунга мослаб бошқарилмоқда. Аҳоли таркибида бўлаётган бу ўзгаришлар ижобий. Чунки, оиланинг ихчамлашиши уни бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таназулдан сақлайди, иккинчидан, демографик

¹⁶ Бўриева М.Р. Демография асослари. - Т.: Университет, 2001. - 117 б.,

жиҳатдан сифат ўзгариши келиб чиқади, учунчидан оилада соғлом фарзанднинг ўсишига шароит юзага келади. Социологик тадқиқот натижалари келажакда шу минтақа аҳолисининг яшаш тарзини ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва демографик истиқболни белгилашда муҳим аҳамият касб этади ҳамда минтақанинг ижтимоий-демографик ривожланишининг асосий йўналишини белгилаш учун олдиндан дастурлар тузишга, оилаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга, миллий ҳамда самарали демографик сиёсатни олиб боришга ижобий таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий-демографик ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари”** деб номланган бўлиб унда асосан Қорақалпоғистон Республикасининг демографик ва иқтисодий салоҳияти, саноат тармоқларининг ривожланиши ва унинг ҳудудий таркиби ҳамда минтақада агроиқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши ва аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси тадқиқ этилган.


Қорақалпоғистон Республикасининг демографик салоҳияти унча катта эмас. Қорақалпоғистонда мамлакат аҳолисининг 5,6% жойлашган. Ушбу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 0,6%га қисқарган. Умуман, минтақанинг демографик салоҳияти пасайган. Минтақа аҳолиси сони 1991-2020 йилларда мутлақ сонда 649,8 минг кишига, унинг ўсиш суръати эса 151%га ортган. Аҳоли сонининг ўсиш суръатлари даврлар мобайнида турлича кўрсаткичларга эга бўлган. Аҳоли сонининг ўсиши 1991-2000 йилларда йилига ўртача 1,9%га, 2000-2010 йилларда ўртача 0,8%га ҳамда 2010-2020 йилларда эса ўртача 1,6%га кўпайган. Охириги йилларда эса аҳоли йилига ўртача 1,3%га ўсмокда. Аҳоли сонининг ўсиши асосан табиий ўсиш ҳисобига содир бўлмокда (1-расм).



1-расм. Қорақалпоғистонда доимий аҳоли сони динамикаси (йил боши, минг киши)¹⁷

Тадқиқот ишида минтақа аҳолисининг ҳудудлар бўйича жойлашуви, ёш-жинс ва миллий таркиблари ҳам ўрганилган. Ишда Қорақалпоғистон Республикасида доимий аҳоли сонининг келгуси 10 йилдаги (2021-2030 йй.) прогнози келтирилган (2-расм).

¹⁷ Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари.



2-расм. Қорақалпоғистон Республикаси доимий аҳолисининг 2031 йилгача прогнози, йил бошига, минг киши.¹⁸


Қорақалпоғистонда 2031 йилга бориб доимий аҳолининг йил бошидаги сони 2096,8 минг кишига етиши ва 2021 йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 9,0%га ошиши ҳамда ўртача йиллик ўсиш суръати эса 0,86%ни ташкил этиши кутилмоқда.

Маълумки, аҳоли сонининг барқарор кўпайиши ва унинг жойланиши ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилиши билан бир-бирига мос келиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишга замин яратади. Акс ҳолда, ушбу жараёнлар ўртасидаги номутаносибликлар қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни вужудга келтиради.

Аҳоли сонининг ўсиш суръати ЯХМни ишлаб чиқариш суръатидан паст бўлиши минтақада иқтисодий ўсишни таъминлайди. 2020 йилда Қорақалпоғистонда ишлаб чиқарилган ЯХМнинг ўсиш суръати 2,6%ни ташкил этди. Умуман, 2020 йилда аҳоли сонининг 1% ўсишига ЯХМнинг 1,1% ўсиши тўғри келди. 2019 йилда эса аҳоли сонининг 1% ўсишига ЯХМнинг 5,9% тўғри келган. 2020 йилда аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланган ЯХМнинг ҳажми 11093,5 минг сўмни ёки ўртача алмаштириш курси бўйича ҳисобланганда 1103,2 АҚШ долларини¹⁹, индекси эса 0,655ни ташкил этди. Минтақа интеграл кўрсаткич, яъни аҳоли жон бошига ЯХМ бўйича мамлакат минтақалари орасида 8-ўринни эгаллади. ЯХМ индекси мамлакатнинг ўртача кўрсаткичидан 1,6 марта паст бўлди. 1995-2020 йиллар орасида аҳоли жон бошига ЯХМни ишлаб чиқариш индекси 0,014га пасайди (3-расм.).

¹⁸ Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁹ 2020 йилда АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўртача расмий курси 10055,8 сўмга тенг бўлган.



3-расм. Қорақалпоғистон Республикаси ЯҲМнинг ўсиши динамикаси²⁰

1995-2020 йилларда Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ривожланиш тенденцияси бир меъёрда кечмади. Жумладан, 1995-2000 йилларда ЯҲМ ҳажмида ўсиш суръати кузатилмади. Бу даврда аҳоли сони йилиги ўртача 1,6%га ортди. 2000-2005 йилда ЯҲМ яратишда ўсиш суръати кузатилди. Бу даврда аҳолининг ўсиш суръати пасайди ва йилига 0,8%ни ташкил этди. 2005 йилдан кейин минтақада ЯҲМ яратиш суръатида фақат ўсиш тенденцияси кузатилди. Бу даврда аҳоли сонидида ўсиш кузатилсада, бироқ баъзан пасайиш ва баъзан кўтарилиш ҳолатлари юз берди. 2020 йилда минтақанинг асосий иқтисодий кўрсаткичи, яъни мамлакат ЯИМни ишлаб чиқаришдаги улуши 3,7%ни ташкил этди.

Минтақа иқтисодиёти индустриаллашган иқтисодиёт сари ривожланмоқда. Буни ЯҲМнинг 27,9% саноат тармоқларида яратилаётганлигидан билиш мумкин. Қорақалпоғистон саноати ривожланиш даражасига кўра, бошқа минтақалардан анча ортда бўлсада айрим тармоқлар бўйича муносиб ўрин эгаллайди. Бу авваламбор ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимёси саноати тармоқларига тегишлидир. 2020 йилда Қорақалпоғистонда ялпи саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг номинал ҳажми - 14144,8 млрд.сўмни, ўсиш суръати эса 104,1%ни ташкил этди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулоти ҳажмининг 3,9% Қорақалпоғистонга тўғри келмоқда.

Ялпи саноат маҳсулотининг ярмидан ортиғи (55,4%) Нукус шаҳрига, 12,1% Тахиятош туманига тўғри келади. Шунингдек, Қўнғирот (4,6%) ва Хўжайли (3,2%) туманларида ҳам саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш бироз ривожланган. Қолган туманларнинг улуши жуда паст. Бу эса саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича юқори даражадаги ҳудудлараро фарқланиш мавжудлигини билдиради.

Аҳоли сонининг ўсиб бориши билан халқ истеъмоли молларига, жумладан озиқ-овқат ва кийим-кечак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш узлуксиз ривожланишни тақозо этади. Минтақада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 36,8%ни халқ истеъмол моллари ташкил этади. Истеъмол

²⁰ Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари.

товарларининг 59,6%ни озиқ-овқат, 40,4%ни эса ноозиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этади. Қорақалпоғистоннинг бир қатор туманларида (Бўзатов, Қораўзак, Нукус, Мўйноқ, Кегейли) халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш талаб даражасидан анча паст. Ушбу ҳудудларда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик бизнес субъектларини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек ушбу соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича кенг чоратadbирларни ишлаб чиқиб уларни амалиётга жорий этиш лозим бўлади. Бунда асосий эътиборни маҳаллий минерал хом ашёни ҳамда қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашга қаратилиши мақсадга мувофиқ.

2020 йилда минтақада аҳоли жон бошига саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 7401,5 минг сўмни, саноат индекси эса 0,690 ташкил этди. 1995 йилга нисбатан саноат индекси 0,161га кўтарилди. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича юқори даражадаги ҳудудлараро фарқланиш аҳоли жон бошига саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги тафовутнинг жуда катта бўлишига олиб келмоқда. Тадқиқотда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти миқдорининг таққослама индекси орқали ҳудудларда саноатнинг ривожланиш даражаси ўрганилди. Ҳудудлар саноатнинг ривожланганлик даражасига кўра жуда юқори, юқори, ўрта ва паст гуруҳларга ажратилди. 2020 йилга келиб саноат индекси 1,000дан юқори ҳудудлар сони 2 тага қисқарган. Аксинча, ўртача гуруҳдагилар сони 3 тага ортган. Паст гуруҳдагилар сони эса ўзгармаган. Хулоса қилиб айтганда, кейинги 11 йилда ҳудудларнинг аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти орасидаги фарқ анча қисқарди ҳамда ишлаб чиқаришнинг концентрациялашув даражаси бирмунча пасайди.

Ишда енгил ва озиқ-овқат саноатларининг таркиби, уларнинг жойлашуви ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган асосий маҳсулот турлари ҳажми таҳлил қилинган. Тадқиқотларимизга кўра, енгил саноат таркибида тўқимачилик ва пахта тозалаш корхоналарининг ўрни катта бўлиб, бу корхоналар аҳоли бандлигини оширишга ҳам кўмак бермоқда. Бироқ, кейинги йилларда минтақада енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми камайган. Бу эса мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаганлигини кўрсатади. Маълумки, озиқ-овқат саноатининг асосий вазифаси аҳолини турли хил ва юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Аммо, бугунги кунда минтақада бу тармоқнинг ривожланиш даражаси ушбу вазифани ҳал этиш имконини бермайди.

Табиий ва меҳнат ресурсларининг бугунги кундаги ҳолати минтақада саноатни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлигидан далолат беради. Минерал хом ашё ресурсларига бой ҳудудларда (Кўнғирот, Мўйноқ, Чимбой, Қораўзак туманлари) мавжуд хом ашёни қайта ишлашга асосланган саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи корхоналарни хом ашёга яқин ҳудудларда барпо этиш, янги техника ва технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлашга устуворлик бериш лозим.

Қорақалпоғистон иқтисодиётининг негизини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Минтақа қишлоқ хўжалигида пахта, шоли, гўшт, жун, балиқ ва полиз

маҳсулотларини етиштириш ривожланган. Айниқса, минтақа ғаллачилигида шиликорлик, чорвачиликда қорақўлчилик ўзига хос мавқега эга. 2020 йилда ЯХМнинг 30,4% қишлоқ хўжалиги тармоқлари томонидан яратилди. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 30%га яқини қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатди. Қорақалпоғистон, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 4%ни етиштиради. Кейинги йилларда минтақанинг мамлакат ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришдаги улуши ортиб бормоқда. Минтақада аҳоли жон бошига ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш 5465 минг сўмни ташкил этди ва унинг индекси - 0,718 га тенг бўлди. 2000 йилга нисбатан ушбу индекс 0,293га кўтарилди.

Қорақалпоғистон ҳудудлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича бир-биридан фарқ қилади. Тадқиқот жараёнида ҳудудларни аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти индекси бўйича юқори, юқоридан паст, ўрта ва паст гуруҳларга ажратилди. Бунда 2010 ва 2020 йил таҳлил этилди. Ҳар иккала йилда ҳам индекс кўрсаткичи минтақанинг ўртача кўрсаткичидан катта бўлган юқори ҳамда юқоридан пастроқ ривожланиш даражасига 11 та туман тўғри келди. 2010-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари индекси ўртасидаги фарқ 2,7 мартага қисқарган.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган баъзи маҳсулотларнинг нисбий кўрсаткичлари минтақанинг демографик салоҳиятидан паст. Аҳолининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланганлиги куйидаги 1-жадвалда акс эттирилган.

1-жадвал

Аҳолининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси²¹

Қиш/мах. турлари	Жон бошига белгиланган йиллик меъёр, кг*	Жон бошига тўғри келган йиллик маҳсулот, кг	Аҳоли эҳтиёжини қопланиш даражаси (100%га нисбатан)	Жон бошига тўғри келган йиллик маҳсулот, кг	Аҳоли эҳтиёжининг қопланиш даражаси (100%га нисбатан)
			2010 йил		2020 йил
Мева	73,1	13,1	17,9	30,3	41,4
Картошка	52,6	15,5	29,5	44,8	85,2
Сабзавот	119,2	77,1	64,7	150,5	126,3
Полиз	17,2	41,5	2,4 марта	82,6	4,8 марта
Ўзум	17,5	2,0	11,4	5,3	30,3
Шоли	9,8	20,8	2,1 марта	32,1	3,3 марта
Гўшт	46,1	33,4	72,4	57,9	125,6
Сут	115,8	105,5	91,1	211,3	182,5
Тухум, млн. дона	208	24,9	12,0	177,1	85,1

*Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган ва тасдиқланган маълумот.

²¹ Қорақалпоғистон Республикаси статистик бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқот натижаларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси баъзи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган ўзининг эҳтиёжларини тўла қондира олмайди. Жадвал маълумотларига кўра, аҳолининг тухум, картошка, мева, узум билан таъминланиши белгиланган йиллик меъёрлардан анча паст. Аммо, аҳолининг шоли ҳамда полиз маҳсулотлари бўйича жон бошига белгиланган йиллик меъёр 3-4 марта, сабзавот, гўшт, сут ва балиқ маҳсулотлари билан таъминланиши эса 2 мартадан ортиқ.

2010-2020 йиллар мобайнида аҳолининг тухум билан таъминланиш даражаси 7,1 мартадан ортиққа ошган бўлсада, лекин у ҳали ҳам белгиланган меъёр даражасига етмаган. Худди шунингдек, аҳолининг картошка, мева ва узум маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси ўрганилаётган даврда 2-2,9 мартага ошган. Бироқ, талаб этилган меъёр даражасига етмаган.

2010 йилда минтақа аҳолисининг сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси меъёр кўрсаткичидан паст бўлган бўлса, 2020 йилга келиб аҳолининг юқорида келтирилган маҳсулотлар билан таъминланиш даражаси меъёр кўрсаткичидан ортди. Биз тадқиқотимизда барча туманлар аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасини ҳам таҳлил қилдик. Аҳолини белгиланган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиши аҳоли соғлигининг мустаҳкамланишига, хусусан минтақада кўп учрайдиган камқонликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бугунги кунда минтақанинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги асосий муаммолари қуйидагилардан иборат: суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражасининг юқорилиги (72%) ерлар сифатининг ёмонлашишига ва унумдорлигининг паст бўлишига олиб келмоқда; сув ресурсларининг етишмаслиги ва сув инфратузилмаси иншоотларининг эскиргани сабабли эса экин майдонлари қисқариб бормоқда; қишлоқ хўжалигининг хом ашё етиштиришга ихтисослашуви сақланиб қолмоқда. Бунинг натижасида иқтисодиётнинг саноатлашуви, чорвачилик ва деҳқончилик соҳаларининг самарадорлик даражаси паст даражада қолмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари асосан импорт қилинмоқда.

Ушбу муаммоларга қарамасдан Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Хусусан, шўрланган ерларда ўсадиган доривор ўсимлик қизилмияни етиштириш ва уни саноат йўли билан қайта ишлаш мазкур ҳудуднинг имконияти чексиз эканлигини билдиради. Шунингдек, минтақада 5257,7 минг гектар яйлов ва пичанзорлар борлигини инобатга олганда бу ерда чорвачиликни (йирик ва майда шохли чорва моллари), балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик соҳаларини ривожлантириш бўйича имкониятлар мавжуд. Қорақўлчилик ва туячилик фақатгина чўл шароитидагина ривожланади. Қорақўл терисига, туя сутига фақатгина ички бозорда эмас, балки ташқи бозорда ҳам юқори талаб мавжуд. Чўлнинг ўзига хос ижобий хусусиятларидан самарали фойдаланиш минтақанинг стратегик ривожланишига таъсир қилади. Келажакда минтақа иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишида қишлоқ хўжалигининг ўрни катта бўлиб у озиқ-овқат хавсизлигини таъминлашга қаратилган.

Диссертациянинг “Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий-демографик ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболлари”

деб номланган учинчи бобида аҳоли миграциясининг иқтисодий-демографик ривожланишга таъсири ҳамда меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ривожланишининг иқтисодий-демографик хусусиятлари статистик ҳамда эконометрик усуллардан фойдаланилган ҳолда тадқиқ этилган. Ишда Қорақалпоғистон ҳудуди иқтисодий-демографик районларга ажратилиб, уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари белгиланган.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистондаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазият бевосита аҳолининг миграцион ҳаракатига ўз таъсирини ўтказиб, унинг миграцион ҳаракатини фаоллаштирди. Ишда 1991-2020 йилларда минтақада ташқи ва ички миграция интенсивлиги ўзига хос тарзда ўзгаргани таҳлил этилган. Қорақалпоғистон ташқи миграция ҳажми бўйича минтақалар орасида олдинги ўринларни эгаллайди. Минтақада яратилаётган янги иш ўринлари сони ишга муҳтож ишсизлар сонига нисбатан 3,5 мартага кам. Бундай шароитда ишга муҳтож ишсиз аҳоли бандлигини ташқи меҳнат миграцияси орқали таъминлашга тўғри келади. Ташқи меҳнат миграцияси натижасида эришилган иқтисодий самара, мигрантларнинг ўз юртига юборадиган пул жўнатмалари шаклида намоён бўлади. Аҳолининг миграция жараёнида қатнашишини тўғри ташкил этиш иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.


Сўнги йилларда Қорақалпоғистонда шаклланаётган ижтимоий-иқтисодий барқарорлик аҳолининг миграцион ҳаракатга бўлган муносабатини анча пасайтирди. 1300 та респондентнинг яшаб турган жойини ўзгартиришга бўлган муносабати ўрганилганда, уларнинг 41%да кўчиш нияти йўқлигини, 18,2% ўйлаб кўрмаганлигини, 40,8% кўчиш нияти борлигини билдирганлар. Улар яшаб турган жойлари экологик жиҳатдан талабга жавоб бермаслигини, чанг, иссиқ ва қуруқ ҳаво ҳукмронлигини, иш топиш муаммолигини ва бошқа сабабларни кўрсатишган. Яшаш жойини ўзгартиришни хоҳлаганлар асосан Тошкент ва Нукус шаҳарларига, Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятларига, чет давлатлардан Россия, Қозоғистон ва бошқа жойларга боришни хошлашларини билдирганлар.

Ташқи меҳнат миграция тизимини такомиллаштириш аввало уларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қатъий чоралар кўришни талаб этади. Шунингдек, хорижда ишлаб янги замонавий касбни эгаллаган меҳнат мигрантларига ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишлари учун ўрганган касб маҳоратларидан фойдаланишларида уларга кўмаклашиш зарур. Янги технологиялардан фойдаланган ҳолда ва юқори маҳсулдорлик ва рақобатбардошлик билан ажралиб турадиган янги корхоналарни асосан меҳнат бозорида кескин вазият юзага келган ҳудудларда жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида бандликни таъминлаш, қисқа ўқув курсларини ташкил қилиб касбга тайёрлаш ва уларнинг меҳнат бозорида ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Аҳолининг энг фаол қисми бўлган меҳнат ресурслари макроиқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб ҳисобланади. Меҳнат ресурсларининг сони, сифати ва таркиби уч ҳаракат тури таъсирида шаклланади. Меҳнат ресурсларининг сонига аҳолининг табиий тақдор барпо этилиши кўпроқ таъсир кўрсатса, унинг сифат кўрсаткичига аҳолининг

